БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

ЧЕҲРАСИДАН табассум барқ уриб турган бу аёл — Оҳангарон «Стройпластмасса» комбинатининг пешқадам ишчиси Н. Дроботовадир. У корхонада бир неча йилдан буён самарали меҳнат қилиб, ўзининг ишчанлиги, ширинсуханлиги билан коллектив ҳурматига сазовор бўлиб келяпти. Айни кунларда илғор ишчи тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йили планини муддатидан илгари адо этиш учун курашиб, кунлик иш нормасини бир ярим-икки ҳиссага етказиб адо этиб келмоқда.

В. ЛЕЙЗЕРОВИЧ фотоси. (ЎзТАГ).



БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 244 (4450). | 16 декабрь, 1971 йил, ПАЙШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

15 декабрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида партия, совет, касаба союз ходимлари, халқ хўжалиги мутахассислари, фан ва маданият арбобларидан бир группасига СССР орденлари ва медаллари топширилди. Улар Ватан олдидаги катта хизматлари, беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажарганликлари учун тақдирланганлар.

СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. М. Матчонов орден ва медалларни топшириб, мукофотланганларга сиҳат-саломатлик, меҳнатда янги муваффақиятлар тилади. (ЎзТАГ).

1972 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира борниб ва социалистик мусобақани кенг авж олдириб маҳсулот реализация қилиш ҳажми бўйича йиллик планни муддатидан олдин бажардилар. Йил охирига қадар республика аҳолисига плондан ташқари 10 миллион сўмлик маҳсулот сотилади.

Реализация қилинган маҳсулот ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 14 миллион сўмлик кўпайди.

●

Ўзбекистон пахта тозалаш саноати министрлиги корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун мусобақалашиб маҳсулотни реализация қилиш ва пахта толаси ҳамда момиқ ишлаб чиқариш юзасидан тўққизинчи беш йиллик биринчи йили планини 13 декабрда бажардилар. Пахта тозалаш заводларининг ходимлари янги йилгача плондан ташқари икки юз минглаб сўмликдан зиёд саноат маҳсулотини реализация қиладилар.

●

В. И. Ленин номли электрон техникаси заводининг меҳнатчилари тайёр маҳсулотни реализация қилиш йиллик планини муддатидан қариб бир ой олдин бажардилар. Йилни маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан берилган топшириқ 30 ноябрдаёқ бажарилган эди. Завод коллективи йил охирига пландан ташқари бир неча миллион сўмлик турли маҳсулотни реализация қилишга қарор берди.

●

«Ўзбекшахтострой» трестининг коллективи қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини социалистик мажбуриятларда мўлжалланганидан ўн олти кун олдин, 9 декабрда бажарди.

Йил бошидан буён Оҳангарон дарёсини бошқа ўзандан оқизиш учун магистрал тоннеллар очилди, Олмалиқдаги маиший химия заводида янги қувватлар ишга туширилди, кўпгина уй-жой, мактаб, болалар боғчаси ва коммунал ҳамда бошқа маданий-маиший хизмат объектлари фойдаланиш учун топширилди.

Шахта қурувчилар декабрь ойининг охиригача топшириқдан ташқари 1,6 миллион сўмлик турли инларни бажариш мажбуриятини олдилар.

(ЎзТАГ).

●

Бўстонлиқ район маиший-хизмат кўрсатиш комбинати ишчи ва хизматчилари социалистик мусобақани қулоч ёйдириб, аҳолига маиший-хизмат кўрсатиш борасидаги йиллик планни барвақт адо этдилар.

Бу муваффақиятдан руҳланган комбинат коллективи йил охирига қадар аҳолига яна 20 минг сўмлик хизмат кўрсатиш мажбуриятини олдилар. Ҳозирги кунда улар зиммаларига олган ана шу мажбуриятни ҳам 25 декабрь кунигача ўринлаш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Ф. НУРМАТОВ.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1971 йил 15 декабрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг V пленуми бўлди.

Пленум «Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги давлат плани тўғрисида ва Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат плани ҳақида» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси С. К. Зиёдуллаевнинг ҳамда «Ўзбекистон ССРнинг 1972 йилги давлат бюджети тўғрисида» Ўзбекистон ССР Молия министри В. Муродхўжаевнинг докладларини тинглаб, муҳокама қилди.

Докладлар юзасидан музокараларда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари Қ. А. Аҳмедов, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри С. Мамарасулов, Қашқадарё область партия комитетининг иккинчи секретари Г. Г. Светленко, Бухоро область ижроия комитетининг раиси Ш. Қ. Ҳайруллаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти И. М. Мўминов, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри Ф. Хўжаев, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Е. А. Князькова, Задарё район партия комитетининг биринчи секретари А. Ҳасанов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги давлат плани, Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат плани, Ўзбекистон ССРнинг 1972 йилги давлат бюджети лойиҳаларини асосан маъқуллаб, буларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси муҳокамасига киритди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири Г. М. Орловни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайлади.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги давлат плани, Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат плани, Ўзбекистон ССРнинг 1972 йилги давлат бюджети лойиҳалари асосан маъқуллансин ва улар Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси муҳокамасига киритилсин.

ИЖОДИЙ ЭҲТИРОС — ПАРТИЯ, ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

СССР журналистлари союзининг учинчи съезди очилди

15 декабрда Союзлар уйининг колонна залида СССР Журналистлари союзининг учинчи съезди очилди. Съезд қатнашчилари совет матбуоти, радиоси, телевидениеси, оммавий информация ва пропаганда органлари олдида турган вазифаларни муҳокама қиладилар, партия XXIV съездининг қарорлари асосида журналистлар кўпминг кишилик отрядининг амалий ишини белгилаб берадилар.

Эрталаб соат 10. Барча иттифоқдош республикалардан келган делегатлар ва меҳмонлар колонна залини тўлдирдилар.

Съезднинг раҳбар органлари — президиуми, секретариати, ревизия комиссияси ва мандат комиссияси сайланади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари С. П. Трапезников, В. Ф. Шауро, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тяжельников, КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлими мудирининг биринчи ўринбосари А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари Г. Л. Смирнов, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари В. Н. Ягодкин президиумга чиқадилар. СССР Журналистлари союзи правлениесининг секретари, марказий газеталар ва журналларнинг бош редакторлари, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, иттифоқдош республикалар журналистлар союзларининг раҳбарлари ҳам шу ерда.

Съезд аҳли съезднинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросидан иборат составдаги фахрий президиумни баланд руҳ билан гулдурос қарсаклар остида сайлайди.

Раислик қилувчи съездга Халқаро Журналистлар ташкилотининг делегацияси, бир қанча социалистик мамлакатлар журналистлар союзининг раҳбарлари келганликларини эълон қилди. Делегатлар ва меҳмонлар Халқаро Журналистлар ташкилотининг бош секретари Иржи Кубани, Болгария, Венгрия, ГДР, ВДР ва Жанубий Вьетнам Республикаси, Куба, Монголия, Польша, Руминия, Чехословакия журналистларининг вакилларини қарсаклар билан табрикладилар.

СССР Журналистлар союзи правлениесининг раиси М. В. Зимянин СССР Журналистлар союзи правлениесининг иши ва КПСС XXIV съезди қарорлари асосида совет журналистларининг вазифалари тўғрисида ҳисобот доклади қилди.

Совет Журналистлари союзининг учинчи съезди, деди у, мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида КПСС XXIV съездининг қарорларини зўр илҳом ва фидокорлик билан амалга ошираётган кунларда тўпланди.

Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан съездга қилган ҳисобот докладида, съезднинг қарорлари ва ҳужжатларида Совет Иттифоқи иқтисодий ва социал-сиёсий тараққиётининг якунлари, халқаро ҳаётдаги энг муҳим жараёнлар чуқур таҳлил этилди.

Бизнинг халқимиз коммунистик қурилишнинг съезд ишлаб чиққан программасини якдиллик билан маъқуллади ва сиёсий активлик ҳамда меҳнат ғайрати гоят ўсган вазиятда тўққизинчи беш йиллик вазифаларини амалга оширишга киришди.

Партия, деб таъкидлади докладчи, қўйилган вазифаларни рўёбга чиқариш соҳасидаги амалий ишда биз, журналистлар ҳам муҳим роль ўйнашимиз ҳеракларини кўрсатади. КПСС XXIV съезди замонамизнинг социал-иқтисодий вазифаларини ҳал этмоқ учун ғоявий-тарбиявий иш тобора катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги қоидани илгари сурди. Биз, журналистларнинг ана шу роли шу қоиданинг принципиал аҳамияти билан белгиланади.

(Давоми 2-бетда).

А. Н. КОСИГИН ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин 14 декабрда Кремлда христиан-демократик союзининг раиси, христиан-демократик союзи христиан-социал союзи партиясининг ГФР Бундестагидаги фракцияси раиси Р. Барцелнинг илтимосига кўра уни қабул қилиб, суҳбатлашди. Суҳбат чогида СССР билан ГФР ўртасидаги муносабат масалалари муҳокама қилинди.

Суҳбатда СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси А. П. Бондаренко ва ГФРнинг СССРдаги элчиси Х. Аллардт иштирок этдилар.

(ТАСС).

ТАСС АХБОРОТИ

«МАРС—2» ВА «МАРС—3» АВТОМАТ СТАНЦИЯЛАРИ МАРС ПЛАНЕТАСИ САТҲИНИ СУРАТГА ОЛМОҚДА

Шу йил 27 ноябрь ва 2 декабрда Марс траварагидаги орбитага чиқарилган «Марс—2» ва «Марс—3» автомат станциялари белгиланган программага мувофиқ Марс планетасини ва планета атрофидаги космик фазони тамомила ҳар хил орбиталарда илмий тадқиқ қилишни муваффақиятли давом эттирмоқдалар.

«Марс—2» ва «Марс—3» автомат станциялари учиш давомида астронавигациянинг мустақил системалари ёрдамида тўғрилаб қўйилди ва Ердан берилган командага мувофиқ Марс планетасининг сатҳи турли масофалардан суратга олинди. Станциялар бортида шу суратлар тайёрлангандан кейин радио линиялари орқали Ерга берилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

15 декабрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Шу мажлисда саккизинчи чақириқ республика Олий Совети иккинчи сессиясини ўтказишга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971-1975 йилги давлат беш йиллик планини Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги планини ҳамда Ўзбекистон ССРнинг 1972 йилги давлат бюджетини дастлабки тартибда қараб чиққан доимий комиссияларнинг ишлари тўғрисида Олий Совет план-бюджет комиссиясининг раиси Х. Умаровнинг ахбороти тингланди.

План-бюджет комиссияси ва тармоқ доимий комиссиялари сессияга тайёргарлик юзасидан катта иш олиб борганликлари кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан Олий Совет муҳокамасига киритиладиган энг муҳим ҳужжатларнинг лойиҳаларини ўрганиб чиқиб, комиссиялар шу ҳужжатлар тўғрисидаги хулосаларини тузиб чиқдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссия секретари В. Н. Қодировнинг шу комиссия Ўзбекистон ССРнинг меҳнат тўғрисидаги қонун кодекси лойиҳасини тайёрлаганлиги ва уни республика Олий Совети иккинчи сессиясининг муҳокамасига тақдим этаётганлиги тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси шу йил 16 декабрда эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети оқсоқоллар Кенгашининг мажлиси 16 декабрь эрталаб соат 9 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида ўтказилади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ VII СОЮЗЛАРАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Тошкент область касаба союзлари маълум қиладики, область касаба союзлари VII союзлараро конференцияси шу йил 18 декабрь куни (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй) Ўзбекистон КП область комитетининг мажлислар залида ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ СОЮЗИДА

Ўзбекистон Ёзувчилари союзи правлениесининг бўлиб ўтган пленуми адабий танқидчиликнинг аҳволи ҳамда вазифалари, адабий меросни ўрганиш соҳасида адабиётшуносликнинг вазифалари масалаларига бағишланди. Бу ҳақда филология фанлари доктори Л. П. Қаюмов ва республика фанлар академиясининг академиги В. И. Зоҳидов доклад қилдилар.

Тошкентда бадиий таржимага бағишланиб СССР Ёзувчилари союзининг сайёр кенгаши ўз ишини бошлади.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ—ХАСКОВО

БОЛГАРИЯЛИК ДЎСТЛАР МЕҲМОНИМИЗ

Кеча Болгария Халқ Республикасидан келган меҳмонлар Тошкентдаги Георгий Димитров номли 9-мактабга бордилар. Бу кўркам мактаб биноси болгариялик қурувчилар қўли билан бунёд этилган.

Соат 11 да мактабга кира веришдаги Димитров ҳайкали олдида митинг бўлди. Митингда мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳамда Киров район жамоатчилиги вакиллари иштирок этдилар.

Мактабда Георгий Димитров музейини очишга бағишланган митингни Тошкент шаҳар партия комитети секретари Р. К. Шонеъматов очиқ деб эълон қилади. Бу музейнинг вужудга келтирилиши, дейди у, ёш авлодни интернационал дўстлик, коммунизм ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Митингда тарих фанлари доктори, чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятининг раиси Х. С. Шукурова, рус тили ўқитувчиси М. Н. Қодирова, 9-синф ўқувчиси Камол Одилов, инструментал заводи экспериментал участкасининг бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. А. Ефимков сўзладилар. Улар болгариялик қардошларни ўзбек ерида қизғин табриклаб, халқларимиз ўртасидаги дўстлик кун сайин мустаҳкамланиб бораётганлигини таъкидладилар.

Хасково округ партия комитетининг биринчи секретари Г. Корцановга сўз берилади. У болгар халқининг улуғ фарзанди Георгий Димитров фаолиятининг жаҳон коммунистик ҳаракатидаги аҳамияти ҳақида, унинг Болгария, Совет Иттифоқи ва бошқа мамлакатлар халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш йўлида қилган хизматлари ҳақида батафсил гапириб берди.

Митинг тугагандан сўнг мактаб пионерлари қадрли меҳмонларга гулдасталар топширишди.

Тантанали дақиқалар бошланади. Г. Корцанов қизил шойи лентани қирқиб музейни очади.

Делегация аъзолари, уларга ҳамроҳ бўлган кишилар музейнинг кўп сонли экспонатларини қизиқиб томоша қилдилар.

Музей очилишига бағишланган митингда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, область партия комитетининг секретарлари Б. А. Абдуразоқов ва З. Х. Хўжаев ҳозир бўлдилар.

Кеча болгариялик меҳмонлар «Главташкентстрой»нинг 1-уйсозлик комбинатини бориб кўрдилар. Кечқурун эса Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида «Тановор» спектаклини томоша қилдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ О. А. ЭШОНТУРАЕВАНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Ҳамза номли Ўзбек давлат драма театрининг артисти, СССР халқ артисти Сора Абдураҳмоновна **Эшонтўраева Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1971 йил 15 декабрь.

*

СУРАТДА: Георгий Димитров музейнинг очилишига бағишланган митинг. Хасково округ партия комитетининг биринчи секретари Г. Корцанов нутқ сўзламоқда.

А. МАЛЬЦЕВ фотоси.

*



МУСОБАҚА ВА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ

Маълумки, КПСС Марказий Комитети шу йил сентябрь ойининг бошида «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ушбу қарорда саноат корхоналари ходимлари олдига ҳам муҳим вазифалар қўйилди. «Меҳнат унумдорлигини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун чоралар билан оширишга — меҳнат сарфини камайтириш, хом ашё ва моддий ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларни тежаб-тергаш, маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш фондлари ва капитал маблағлардан фойдаланишни яхшилашга меҳнаткашларни сафарбар этиш социалистик мусобақанинг асосий йўналиши бўлиб қолмоғи керак» — дейилади қарорнинг пировардида.

Дарҳақиқат, социалистик мусобақа иш фаолиятимизга кундан-кунга сингиб бормоқда. Бирорта корхона, завод, фабрика, колхоз-совхоз ёки бошқа ишлаб чиқариш муассасаси йўққи, у ерда социалистик мусобақа ташкил этилмаган бўлса. Бригада, звено, цехларда, шунингдек, ишчилар ва колхозчилар ўртасида коллектив ва шахсий мусобақа самарали натижалар бераётганлигини кўрамиз.

Солдатск канап-жут заводи бундан 1—2 йил илгари райондаги энг қолоқ саноат корхоналари қаторидан ўрин олиб келарди. Меҳнат унумдорлиги паст, маҳсулот таннархи эса қиммат эди. Ишлаб чиқариш фондлари ва капитал маблағлардан фойдаланиш даражаси талабга жавоб бермасди. Натижада, ишчилар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиридмас, «келиб-кетувчилар» сафи камайиш ўрнига, тобора кўпайиб борарди. Бу нуқсоннинг олдини олиш—завод раҳбарларини ўзгартиришгача бориб етди. Директорлик ва инженерлик столини янги, ёш инженер кадрлар эгаллади, цех бошлиқларининг баъзилари ёш, ишчан ходимлар ҳисобига ўзгартирилди. Улар ишни ишлаб чиқариш фондларини мустаҳкамлаш ҳамда ишчилар малакасини оширишдан бошладилар. Цехлар ва агрегатлар қайтадан реконструкция қилинди. 20 дан ортиқ ишчи малака ошириш курсларига ўқишга юборилди. Энди меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун мусобақани тўғри ташкил этиш керак эди.

Завод партия ва касаба союз ташкилотлари мусобақа шартларини белгилаб чиқди. Ьир бригада ҳар куни ўртача 3,5 тонналдан луб толаси ишлаб чиқарса, ой охирида 250 сўм пул мукофоти бериладиган бўлди. Агарда, ишлаб чиқарилган маҳсулот бундан ҳам зиёд бўлса, ошиқча ҳар тонна тола учун яна 10 сўмдан қўшимча мукофот бериш кўзда тутилди.

Ўртоқ А. Шебердина раҳбарлик қилаётган 17 кишидан иборат бригада аъзолари октябрь ойида 96 тонна узун тола ишлаб чиқариб, ойлик планни 107 процент бажарганликлари эвазига 250 сўм миқдорида мукофот олдилар. Иккинчи мукофот эса А. Попова бошлиқ бригада аъзоларига пландаги 88 тонна ўрнига 91 тонна луб толаси ишлаб чиқарганликлари учун 200 сўм мукофот берилди.

— Моддий рағбатлантириш фақат бригадалар ўртасидагина эмас, балки цехларда ҳам яхши йўлга қўйилган,— дейди завод бош инженери ўртоқ К. Чиниибеков.— Мусобақа тўғри ташкил этилганлиги, голиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаётганлиги натижасида корхонанинг даромади ой сайин ортиб бормоқда. Ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ўтган йили 80 сўмга тўғри келган бўлса, бу йил улар 95—100 сўмдан маош олмоқдалар. Бу муваффақиятлар уларни янги заҳарлар сари илҳомлантирмоқда.

Корхона коллективи янги беш йилликнинг дастлабки йили топшириғини 20 декабргача, беш йиллик планни эса 1975 йил 7 ноябргача бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Б. НУЛДОШЕВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЯХОБ СУВИ БЕРИШ ВА ШЎР ЮВИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 15 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун районлар, иккинчи стун—суғорилган.

Оҳангарон	126,1
Оққўрғон	87,8
Янгийўл	87,7
Бекобод	81,0
Бўка	76,7
Оржоникидзе	74,3
Калинин	73,2
Ўрта Чирчиқ	62,1
Бўстонлиқ	48,0
Юқори Чирчиқ	26,2
Область бўйича:	75,3

ШЎР ЮВИШ

Бўка	20,5
Бекобод	10,2

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ТУТ КЎЧАТИ ЎТҚАЗИШ ТЎҒРИСИДА 15 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун—районлар, иккинчи стун—ўтқазилгани.

Бўстонлиқ	102,0
Оққўрғон	91,0
Калинин	91,0
Оҳангарон	84,0
Юқори Чирчиқ	72,5
Ўрта Чирчиқ	68,5
Бекобод	66,0
Бўка	64,0
Пискент	19,5
Янгийўл	18,0
Оржоникидзе	8,0
Область бўйича:	52,3



● «ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»га қарашли 153-трест 2-қурилиш бошқармасининг коллективи Краснодон кўчасида тўққиз қаватли турар-жой биносини бунёд этишяпти. Суратда: шу бошқармаиинг илғор қурувчиларидан (чапдан ўнгга) А. Абдулхонов, М. Шчекос, М. Поллумардвинцев ва А. Қўчқоров ўртоқлар.

А. УСМОНОВ фотоси. (ЎзТАГ).

● УМРИ ЭШМАТОВА Ғазалкент сут заводининг пешқадам ишчиларидан ҳисобланади. Айни кунларда у меҳнат вахтасида туриб ишлаб, смена нормасини 120—130 процентдан адо этиб келмоқда. Суратда: У. Эшматова иш устида.

И. ПОРТНОВ фотоси.



САМАРАЛИ МЕҲНАТ

«Спецмонтажводстрой» тресгига қарашли 3-механизациялашган кўчма колонна коллективи КПСС XXIV съезди белгилаган улкан вазифаларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш ниятида участкалар ва объектларда социалистик мусобақани авж олдиряпти. Бинокорларнинг тез ва соз ишлаши учун зарур шароит яратиб бериляпти. Натижада қурилиш-монтаж ишлари топшириқларини бажаришда юксак кўрсаткичларга эришилмоқда.

Коллектив йиллик планни муваффақиятли бажарганлиги ҳақида ноябрь ойи бошларидаёқ рапорт берган эди. Шу давр мобайнида 1 миллион 149 минг сўмлик иш бажарилди. Тошкент областида қад кўтараётган объектларда шу колонна қурувчилари томонидан 3 минг кубометр бетон ётқизилди, 3 минг кубометрга яқин йиғма-темир-бетон ва шунча металл конструкциялари монтаж қилинди, 8,5 километр узунликда санитария-техника шохобчалари, 4 километр узунликда электр узатиш ва алоқа линиялари қурилди.

Колонна коллективи ўнлаб турли хил объектлар қурилишига ҳисса қўшмоқда. Бекободдаги «Октябрь 46 йиллиги» совхози ишчи-хизматчилари қурувчилар меҳнатидан мамнун. Чунки, бинокорлар қуриб берган насос станциялари шоли майдонларини сув билан тўла таъминлади. Шоликор ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, бу қимматли дондан мўл ҳосил олиш ҳамда давлат планини муваффақиятли бажариш мумкин бўлди.

Колонна ишчилари Пискент районида сут-товар фабрикаси ва чўчқачилик фермаси қурилишини, Тошкент денгизи яқинида эса «Узглавводстрой»га қарашли темирбетон буюмлари заводининг иккинчи навбатини бунёд этишда қатнашмоқда. Яқинда бу ерда бир неча хил буюм ишлаб чиқарувчи янги металл конструкциялари цехи фойдаланишга топширилди. Механика, йиғув ва ремонт-механика цехлари тез суръатлар билан бунёд этиляпти. Шу кунларда колонна бинокорлари Бўзсув, Бўржар сув трактида қатор кўприкларни қуриш бўйича катта ишларни амалга оширишяпти. Фақат мавжуд кўприкларни реконструкция қилиш туфайли қўшимча 7 минг гектар экин майдони сув билан таъминланадиган бўлади.

Колоннанинг қатор бригадалари меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Николай Скофенко, Марс Шолпанов раҳбарлигидаги бригадалар бир неча ойдан бери келгуси йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Ишларнинг сифати ҳам кўнгилдагидек.

Илғор коллектив шу кунларда ҳам иш суръатини сусайтирмай фидокорона меҳнат қилмоқда.

С. МОРОЗОВ,
«Узгортехводстрой» тресги инженери.

КАПРОНДАН ЯСАЛГАН ДЕТАЛЛАР

«Узсельхозтехника» бирлашмасининг Юқори Чирчиқдаги тажриба заводида полимерлардан деталлар тайёрлайдиган янги ишлаб чиқариш участкаси ишга туширилди. Бу ерда пахта терадиган машиналар шпинделлари учун кам топиладиган қопқоқлар чиқарила бошланди. Корхонанинг янги участкаси фойдаланишга топширилиши билан корхона ана шу деталлар билан тўла-тўкис таъминланади. Завод технология ускуналари қувватини оширгач, ана шу деталларни «Узсельхозтехника» район бирлашмаларининг барча бошқа устахоналарига етказиб бера олади.

Корхонада янги эксперимент цехини тўла жиҳозлаш ҳам тамомланди. Бу цехнинг вазифаси турли қишлоқ хўжалик машиналари, механизмлар ва ускуналар учун прессформалар лойиҳалаш ва тайёрлашдан иборат. Ҳозир ишчилар «Т—28 Х—4» маркали трактор нинг двигателига капрондан ҳимоя қурилмалари тайёрламоқдалар. Маълумки, моторлар ремонт қилингандан кейин машиналарни комплектлаш учун район бирлашмаларининг устахоналарига олиб келинади. Йўлда усти ёпилмаган двигателларга чанг, турли ифлос нарсалар ўрнашиб қолади. Шундан кейин турли техникавий нуқсонлар пайдо бўлади. Бунинг олдини олиш учун ҳозирча жуда ибтидоий усулда ёғочдан ясалган пўкак қопқоқлардан фойдаланилади. Эксперимент цехда ана шундай деталлар учун капрондан пишиқ ва қулай прессформалар тайёрланади. Яқин вақт ичида булар кўплаб чиқарила бошланади.

ИЖОДИЙ ЭҲТИРОС— ПАРТИЯ, ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

(Боши биринчи бетда).

Социалистик жамият тўғрисидаги, совет ҳаёт тарзи ҳақидаги, мамлакатимизда коммунизм қурилиши тўғрисидаги ҳақиқатни юз миллионларча кишиларга маълум қилиш — пропаганда, оммавий агитация фронти ходимларининг бурчидир.

Съезд матбуот, радио ва телевидениенинг ролини тобора оширишга катта аҳамият бериб, партия ташкилотларига оммавий ахборот ва пропаганда воситаларидан моҳирлик билан фойдаланишни, уларнинг ишидаги таъсирчанлик ва оперативчиликни кучайтириш тўғрисида, журналист ва пропагандист кадрларнинг сиёсий етуклиги ҳамда маҳоратини юксалтириш тўғрисида ғамхўрлик қилишни топширди.

Совет матбуоти, телевидениеси ва радиоси, информация агентликлари ва нашриётлар ходимларининг бутун куч-ғайрати партия XXIV съезди томонидан қўйилган вазифаларни амалга оширишга сафарбар қилиниши лозим. Биз, совет журналистлари, деб таъкидлади докладчи, партия матбуотимизнинг традициялари билан ҳақли суратда фахрланамиз ва бу традицияларни қадрлаймиз.

Партия раҳбарлиги ижтимоий фикрнинг оммавий минбари, социалистик демократизмнинг қудратли воситаларидан бири бўлмиш матбуотимиз куч-қудрати, ғоявий бойлиги, ҳаққонийлиги, принципиаллиги ва мазмундорлигининг манбаидир.

Совет журналистлари армияси Коммунистик партиянинг юксак ишончи билан фахрланади ва бутун совет халқининг меҳнати билан чамбарчас боғланган ўз меҳнати туфайли жонажон партияга, унинг ленинча Марказий Комитетига, коммунизм улуғ ишига чексиз садоқатини ифода этади.

М. В. Зимянин сўзини давом эттириб, қуйидагиларни айтди: КПСС XXIV съезди қарорлари асосида совет журналистикаси олдида турган вазифаларни амалга оширишнинг конкрет тадбирларини белгилаш — журналистлар съездимизнинг асосий вазифасидир.

Докладчи жуда мароқли рақамлар келтирди. Бизнинг мамлакатимизда 9 минг газета чиқарилмоқда, уларнинг кундалик тиражи 140 миллион нусхага етди, 6 мингга яқин журнал нашр этилиб, уларнинг тиражи 150 миллион нусхадан зиёддир. Мамлакатимизда телевизион эшиттиришнинг ўртача суткалик ҳажми беш йил ичида икки баравардан зиёд ортди. Ҳозирги кунда Совет Иттифоқининг бутун территорияси асосан радиолаштирилган.

Нотиқ ҳисобот даврида совет матбуоти, телевидениеси ва радиоси, информация агентликлари ва нашриётлар бажарган катта ва самарали ишларни таъриф лаб, бундай деди: совет журналистлари партия, унинг Марказий Комитети ғоят зўр эътибор билан ғамхўрлик қилаётган бир вазиятда иш олиб бормоқдалар. Улар идеология фронти ходимлари жанговар армиясининг таркибий қисмидир. Ўртоқ Л. И. Брежнев бу ходимларни партиянинг ҳақиқатан ҳам олтин фонди деб атади.

Докладчи бундай деди: буюк юбилейлар — Октябрь революциясининг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига тайёргарлик ҳамда уларни нишонлашда қатнашиш — ҳисобот давридаги бутун ишимизнинг энг баланд нуқтаси бўлди. Совет журналистлари армияси бутун халқ билан биргаликда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съездини муносиб кутиб олди.

Докладчи 50 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган СССР Журналистлар союзининг ишини таҳлил этди. Докладчи айтдики, бу иш партиянинг оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги кўрсатмаларига асосан уюштирилди ва уюштирилмоқда.

Партия ва халқнинг тўққизинчи бешйиллик планни муваффақиятли бажаришга қаратилган тадбирларига муносиб ҳисса қўшмоқ учун совет журналистларидан оммавий ахборот ва пропаганда воситаларини янада такомиллаштириш, ишнинг таъсирчан янги формалари ва методларини қидириб топиш талаб этилади.

Биз партия ғояларининг пропагандистлари бўлишимиз, партиянинг ленинча бош йўлини амалга оширишимиз лозим.

Матбуот, телевидение ва радионинг партия съездидан кейинги иш тажрибаси журналистикада янгиликни қидириб топиш ва изланиш билан бир қаторда жиддий камчилик ва нуқсонларга ҳануз барҳам берилмаганлигини кўрсатди. Баъзи матбуот органлари изчил иш олиб бормаётирлар, бошланган яхши ташаббусни охиригача етказиш маҳоратини кўрсатмаётирлар. босиб чиқарилган материалларнинг таъсирчанлиги учун етарли даражада сабот-матонат билан қураш олиб бормаётирлар.

СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги бир йилдан кейин нишонланади. Давлатимизнинг тарихида бу воқеа ўзининг сиёсий аҳамияти ва социал-иқтисодий оқибатлари жиҳатидан Улуғ Октябрдан кейин энг муҳим воқеа бўлади.

В. И. Ленин баҳорат қилиб айтганидек, Социалистик мамлакатимиз барча мамлакатлар халқларига амалий ўрнак бўлиб қолди ва бу ўрнакнинг пропаганда, революционлаштирувчи таъсири жуда катта.

Иқтисодий муваффақиятлар, СССР халқлари моддий фаровонлиги ва маданий савиясининг ўсганлиги уларнинг биргаликда қилган меҳнати самарасидир. Буларнинг ҳаммаси газета ва журнал саҳифаларида, телевидение ва радио эшиттириш программаларида ҳар томонлама акс эттирилиши лозим.

Доклад бўлимларининг бир қисми Совет Журналистлари союзининг халқаро алоқаларига бағишланди. СССР Журналистлар союзи халқаро журналистлар ташкилоти мукофоти лауреати бўлганлиги қайд қилиб ўтилди.

СССР Журналистлар союзи КПССнинг ленинча ташқи сиёсий йўлига амал қилиб, бундан буён ҳам қардош социалистик мамлакатлардаги журналистлар ташкилотлари билан маҳкам дўстона алоқаларни мустаҳкамлаб, такомиллаштириб боради, жаҳон социализм системаси қудрати ва халқаро таъсирининг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Докладчи бундай деди: бутун жаҳонда капитализмдан социализмга ўтилаётган ҳозирги даврда, жаҳон социализми, барча революцион кучларнинг империализм позицияларига тарихий ҳужуми даврида, тинчлик, озодлик, социал тараққиёт кучлари билан жабр-зулм, реакция ва агрессия кучлари ўртасидаги кураш кескинлашган бир даврда биз, совет журналистлари империализм пропаганда машинасининг сиёсий ва идеологик диверсияларига қарши шафқатсиз зафарли кураш олиб боришимиз лозим.

М. В. Зимянин докладининг охирида қуйидагиларни айтди: геииал мутафаккир ва оташин революционер, партиямиз ва халқимизнинг, бутун дунё меҳнаткашларининг улуғ дўсти. В. И. Ленининг публицистик фаолиятя ҳаммамиз учун донишмандир.

Партия Ватанимизни Ленин йўлидан, КПСС XXIV съезди чизиб берган йўлдан коммунистик қурилишнинг янги чўққилари сари бошлаб боромоқда. Совет Журналистлари партия режаларини амалга ошириш учун актив курашчи бўлиб келдилар ва ҳамиша шундай актив курашчи бўлиб қоладилар.

Съезд СССР Журналистлар союзи Марказий Ревизия комиссиясининг иши тўғрисида Н. Х. Еселев берган ҳисоботни тингланди.

СССР Журналистлари союзи правлениесининг секретари Л. Н. Толкунов союз уставидаги баъзи ўзгаришлар тўғрисида гапирди.

Докладлардан кейин музокаралар бошланди.

(ТАСС).

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

ЯНА КИМГА ШИКОЯТ ҚИЛАМИЗ?

Районимизнинг Байтқўрғон қишлоғи кейинги йилларда гуллаб-яшнаб, кўркига-кўрк қўшилди. Қатор савдо шохобчалари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш пунктлари очилди. Бу томондан эътироз билдирадиган жойимиз йўқ.

Лекин, дилимизни, уйимизни хира қилаётган айрим кишилар бизга кўрсатаётган хизмати қаноатлантирмайди. Ишдан қайтгач, такомиллаштириб боради, жаҳон телевидение кўрсатишларини, радиода берилаётган концерт ва эшиттиришларни кўриш ва эшитиш кўпинча бизга насиб бўлмайди. Худди ўчакишгандек, қоронғу тушиши билан лип этиб ўчади ёки лампочкалар «энергия етмаяпти» дегандай чўғ бўлиб қолади.

Ҳар куни ҳолимиз шу, деб район электрлаштириш тармоқлари ходимларига бир неча бор мурожаат қилдик. Лекин, ҳамон натижа йўқ. «Тузатамиз» деган ваъдалар амалий ишга ўтилгани йўқ. Биз уларни ваъда эмас, Навоий, «Гулзор» ҳамда «Қизил кўприк» кўчаларида чироқларимизни нормал ёнишини таъминлашни сўраймиз.

Бир группа аҳоли номидан
Р. ИНОҒОМОВА.
Оржоникидзе райони.

УЧ МУАММО

Дзержинский номли колхоз райондаги йирик хўжаликлардан бири ҳисобланади. У Сирдарёнинг ўнг соҳилига жойлашган бўлиб, бу ер хушманзара, табиатнинг гўзал жойларидан бири, ҳисобланади.

Лекин, шу жойга доғ бўлиб тушган айрим камчиликларни «Уч муаммо» деб атадик.

Илгари обод ва кўркам ҳисобланган паркимиз ҳозир қаровсиз бўлиб қолган. Канча-канча маблағ сарфланиб қурилган ҳаммом битганига анча бўлишига қарамай, ишга туширилишидан дарак йўқ. Бунинг устига, аҳоли учун турли сабзавот ва бошқа маҳсулотлар билан савдо қилиб турган дўконга ҳам қулф тушган. Айрим нарсаларни сотиб олиш учун Бекобод шаҳрига боришга тўғри келмоқда.

Бу масалалар қачон ҳал қилинади?

Р. БАГИРОВ.
Жамоатчи мухбир.

КЎРГАЗМАЛИ АГИТАЦИЯДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Кўргазмали агитация... У коммунистик жамият кишисини ҳар томонлама тарбиялаш, унинг фикр доирасини кенгайтириб, ғоявий чиниқтириш борасида олиб бориладиган маданият ишларининг жонли воситаларидан, ғоявий таъсир кўрсатишнинг асосий шаклларидан ҳисобланади. Оммага таъсир кучи бўйича уни коммунистик тарбиянинг оғзаки, сиёсий агитация, матбуот, радио сингари қудратли воситалари сафига қўйиш мумкин.

Хўш, бу муҳим воситадан Тошкент область маданий-оқартув муассасаларида қандай фойдаланилмоқда?

Оққўрғон районидаги Дмитров номли колхоз клубининг иш фаолияти бу борада диққатга сазовордир. Колхоз партия ташкилоти ва клуб мудири кўргазмали агитация кучи билан колхоз аъзоларининг шу кундаги ишларини акс эттириб, яхши иш қилмоқда. Клубда Ленининг ғоявий мероси, КПСС нинг ички ва ташқи сиёсати, социалистик мусобақанинг бориши, ишлаб чиқариш илғорлари тажрибаси ва бошқа масалаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу ерда «Совет-Болгар дўстлиги» хонаси ташкил этилган. Икки дўст халқнинг ўзаро муносабатлари, болгар маданияти ва турмушининг ривожланишини акс эттирувчи экспонатларга кенг ўрин берилган «Ленин ғоялари тантанаси», «Колхозимиз машъалларн», «Димитров колхозининг тарихи ва келажаги» каби стендларга эса доҳий Ленининг революцион фаолияти, ишлаб чиқариш илғорлари, хўжаликнинг ташкил топиши ва келажакдаги қилинадиган ишлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Қишлоқ маданияти, хўжаликлар эришаётган ютуқлари, фан ва маданият янгиликлари Оҳангарон район Ангрен қишлоқ Совети клубида ҳам ўз ифодасини топган. Клубда «Илғорлардан ўрганамиз», «Механизатор — деҳқоннинг дўсти», «Чорвадорлар кенгаши» каби стендлар яққол кўзга ташланади. «Ишлаб чиқариш маданияти учун» деворий газетаси мунтазам чиқиб туради.

Юқори Чирчиқ район маданият бўлимининг коллективи ҳам рангбаранг диаграммалар, схемалар, шиорлар, жадваллардан кўргазмали агитация сифатида фойдаланмоқда.

Район қишлоқ маданият уйи ҳамда Янгибозор маданият уйларида ҳам пропаганда воситаларига катта эътибор берилаётир. Кўргазмали агитация воситалари орқали сиз район меҳнаткашларининг меҳнат сафарлари билан таништирасиз. Район хўжаликларининг беш йилликнинг биринчи йилида эришилган муваффақиятлари алоҳида-алоҳида стендларда ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, маданият уйларида «Ҳурмат тахталари» ҳам бор. Улар ёнида ишлаб чиқариш илғорларини улуғловчи сўзлар ёзиб қўйилган.

Халқ байрамларига тайёргарлик кўриш пайтида уй, кўчалар ва майдонларни кўргазмали агитациялар билан безашда Ангрен шаҳар маданият уйининг хизмати катта бўлмоқда. Бу коллектив ўз ишида кўргазмали агитацияни конкрет шароитни ҳисобга олган ҳолда ривожлантирмоқда. Амалга оширилган ишлар шакл ва мазмун жиҳатдан бир-бирига ўхшамайди. Кўргазмали агитация воситалари «Ҳурмат тахтаси»да, стендда, шиорларда, диаграммаларда, витрина ёки стенд ҳамда жадвалларда бўлишидан қатъий назар юксак эстетик сифатларга ҳам эгадир.

Аммо, областнинг айрим клуб ва маданият уйларида кўргазмали агитацияга етарли ўрин берилгани йўқ. Бу маданият ўчоқларидаги кўргазмали агитация воситалари эскирган, ўз кучини йўқотган, хўжаликлар эришаётган ютуқлар уларда ўз аксини топмаган.

Область маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари оммани коммунистик руҳда тарбиялашда кўргазмали агитациянинг воситаларидан фойдаланишда бунга аҳамият беришлари лозим.

Т. РАВШАНОВ,
область маданият бошқармасининг ходими.

ГЎШТ ФАБРИКАСИ

Бундан етти йил илгари Калинин ва Ўрта Чирчиқ раойнлари территориясидаги ёрдамчи хўжаликлар базасида «Сергели» бўрдоқичилик совхози ташкил этилган эди.

Ихтисослашган бу хўжалик зиммасига тайёрлов конторалари томонидан етказиб бериладиган чўчқаларни бўрдоқига боқиб, семиртириб, сўнг давлатга топшириш вазифаси юклатилди. Совхознинг аҳил ва ишчан коллективи дастлабки кунданоқ бу шарафли вазифани бажариш йўлида зарур тадбирларни амалга ошира бошлади.

— Бизда, — дейди директор ўртоқ Абдураҳмон Маннонов,— учта бўлим бор.—Бир бўлимимиз озиқ-овқат чиқиндиларини тайёрлаш билан шуғулланади. Совхоз ташкил бўлгач, ишни, энг аввало ўз касбини севадиган кишиларни танлаб ишга жалб қилишдан бошладик. Бўлимлар малакали мутахассис ва чорвадорлар билан мустаҳкамланди. Совхоз ҳозирги кунда бирйўла 10 минг бош чўчқани бўрдоқига боқиб семиртириш ҳисобига минг тоннагача гўшт етказиб бериш имкониятига эгадир.

Совхоз коллективи КПСС XXIV съездининг қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш тўғрисидаги қўрсатмаларини амалга ошира бориб, бу имкониятлардан йил сайин яхшироқ фойдаланмоқда. Совхоз 1966 йилда 23991 бош чўчқа боқиб, семиртириш ҳисобига 721 тонна гўшт етиштирган бўлса, 1970 йилда 100 минг сўм фойда олган эди. Чўчқабоқарларнинг маҳорати, илғор тажриба, фан ютуқларини қўлланиш туфайли бу ютуқлар салмоғи ортиб борди. Келгуси йилги 241 минг, 1969 йилда эса 267 минг, ўтган йили эса 847 минг сўм фойда олинди. Шундай қилиб, беш йил давомида совхоз 135 минг 128 бош чўчқани боқиб, семиртирди ва ана шу ҳисобдан 4719 тонна гўшт топширди. Олинган фойда 1670 минг сўмни ташкил этди.

Совхозга аралаш озуқа давлат томонидан етказиб берилади. Озиқ-овқат, саноат чиқиндиларидан ҳам фойдаланилади. Лекин, совхоз чорвадорлари бу билан кифояланиб қолаётганлари йўқ. Улар ўзларига тегишли мавжуд майдонларда макажўхори, беда ва бошқа ем-хашак экинларини ўстириб улардан ҳам мўл ҳосил олишга эришмоқдалар. Ем-хашаклардан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Чўчқалар бу ерга келтирилгач, обдон зооветеринария кўригидан ўтказилади. Агар касалдари бўлса, ажратиб алоҳида боқилади. Улар группаларга бўлиниб, қатъий рацион асосида боқилаётганлиги туфайли бир кеча-кундузда ўртача 500—600 грамм семирмоқда.

Айрим чўчқабоқарлар эса бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. 2-бўлимдан Сыспинцин шулар жумласидандир. У 873 бош чўчқани боқувга қўйиб, салкам 70 кунда уларни боқувдан олди. Бу энг қисқа муддат ҳисобланади. Шунга қарамасдан, у чўчқаларнинг тез семиришига, бир кеча-кундузга этига 700 грамм эт қўшилишига эришди. Ҳаммаси бўлиб давлатга 408 центнер гўшт топширилди.

Совхозда бундай илғор чўчқабоқарлар кўп. 2—бўлимдан Лапасова. Сазонов, Корчагина, 3-бўлимдан Чанова, Николаева каби ўртоқлар ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар.

Ана шу сингари фидокорларнинг меҳнати — гайрати туфайли совхоз бу йил янги марраларни эгаллаш учун курашмоқда. Ҳаммаси бўлиб бу йил 30550 бош чўчқа боқилади. Ҳар бир чўчқа кам деганда 36 килограммдан семиртирилади. Шу ҳисобда давлатга 1100 тонна гўшт топириш мўлжалланмоқда. Бу мақсадга эришилса, 1 миллион 215 минг сўм фойда олинади.

Меҳнат тўғри ташкил этилиши туфайли иш унуми ортиб бораётир. Чўчқабоқарларнинг ойлик ўртача маоши ҳам йил сайин кўпаймоқда. Агар 1966 йилда ҳар бир чўчқабоқарнинг ўртача маоши 91 сўм 21 тийинни ташкил этган бўлса 1969 йилда 166 сўм 28 тийинни, бу йил эса 181 сўм 20 тийинни ташкил этди.

Совхоз келажаги янада порлоқ. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ 1971 йил январь ойидан бошлаб бир йилда 72минг бош чўчқани бўрдоқига боқиш мўлжалланган чўчқачилик фабрикаси қурилиши бошлаб юборилди.

«Узгипросельстрой» лойиҳаси асосида 9 гектар ерда қурилаётган бу саноат объектида чўчқаларни тезкорлик усулида боқиш учун қулай имконият яратилади. Ҳаммаси бўлиб 8 та чўчқахона ва она чўчқалар боқиладиган иккита чўчқахона қурилади. Ҳар бир хонага 2 минг бош чўчқа қўйилади. Бу хоналар битказилиб тўла-тўкис ишга тушгач, илгариги чўчқабоқар ўрнини оператор-чўчқабоқар эгаллайди. У ишни пультдан туриб бошқаради. Механизация воситасида ем-хашак беради, сув тақсимлайди. Мана энди ҳисоблаб кўрайлик. Илгари 120 та чўчқага бир киши қарар эди.Янги чўчқахонада эса 2 минг бош чўчқага бир киши қарайди, яъни 16 кишининг ишини бир ўзи бажаради. қолган чўчқабоқарларни бошқа ишга жалб этиш имконияти туғилади. Бу ҳам қулай, ҳам файдалидир. Бир чўчқахона ҳисобидан чўчқабоқарларни қисқартириш туфайли 1900 — 2000 сўм иқтисод қилиш имкониятига эга бўлинади Ҳозир совхоз ишлаб чиқаришида 300 киши банд. Фабрика ишга тушгач, эса ҳаммаси бўлиб 130 киши ишлайди. Янги чўчқахоналарда ҳаво йилнинг ҳамма фаслида мўътадил сақланади.

«Узгипросельстрой» институти лойиҳа ишларини бир ўзи бажарадиган қилган чўчқабоқарларни бошқа ишга жалб этиш имкониятига эга бўлинади Ҳозир совхоз ишлаб чиқаришида 300 киши банд. Фабрика ишга тушгач, эса ҳаммаси бўлиб 130 киши ишлайди. Янги чўчқахоналарда ҳаво йилнинг ҳамма фаслида мўътадил сақланади.

— Биз қурилишни мумкин қадар тезлаштириб, ўз вақтида битказилишидан гоят манфаатдормиз, — дейди совхоз директори, — янги саноат объекти ишга тушгач ишларимиз ҳам, ютуқларимиз ҳам янгича бўлади. Бирйўла 72 минг бош чўчқани бўрдоқига боқиш ва йилига уларни семиртириш ҳисобига 4500-5000 тонна гўшт етиштириш имконияти туғилади. Бундан ташқари, механизация ва автоматлаштириш жорий этиш бир центнер гўшт таннархини 35 — 40 сўмга камайтириш имкониятини беради.

Совхозда саноат ишлаб чиқариш объектларидан ташқари шаҳар типидаги янги турар — жой массиви қурилиши ҳам бошлаб юборилган. Бу иш 1974 йилнинг январигача тугалланиши керак.

Гўшт етиштиришни кўпайтириш ишига муносиб ҳисса қўшаётган «Сергели» бўрдоқичилик совхози ишчиларининг 1971 йилни янги кўрсаткичлар билан якунлаб, келгуси йилда бундан ҳам улкан ютуқларни қўлга киритишларига тилакдошмиз.

Т. ҒАНИЕВ,
Н. РИХСИЕВ.

Сергуёш республикасида

ҚУРИЛИШ БАЗАСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

● НУКУС. Қорақалпоғистоннинг жанубидаги Жумуртовда оҳак майдалайдиган катта карьер маҳсулот бера бошлади. Бу ердаги кучли оҳак майдалайдиган установка Урганч силикальцит заводи учун йилига 20 минг тонна маҳсулот бера бошлайди. Шу вақт мобайнида автоном республика бинокорлари оҳак пиширадиган ишлаб чиқаришни барпо этадилар. Нукус гишт заводида йилига 10 минг тонна оҳак пиширишга қодир печь ишга туширилади.

Қорақалпоғистоннинг заминн бинокорлик материалларига бой хазинадир. Оҳак, шифер ва цемент ишлаб чиқариш учун қидириб топилган хом ашё запаслари 21 миллион тоннани ташкил этади.

АМУДАРЁ УСТИДА ГАЗ «КУПРИГИ»

● ТЕРМИЗ. СССР—Афғонистон газ қувури Амударё устидан ҳаводан ўтади. 630 метрли бу ноёб иншоот Термиз яқинида қурила бошлади. Диаметри бир метр келадиган қувурлар пўлат симлар—вантлар ёрдамида иккита темир-бетон устунга илиб қўйилади. Бу устунларнинг баландлиги 80 метр келади.

Ҳозир газ қувури ўжар дарёнинг тагидан ўтган. Лекин Амударё суви лиммо-лим бўлганида пўлат қувурларни бузиб кетади. Ваҳоланки ана шу газ қувурларидан йилига Совет Иттифоқига Афғонистондан икки миллиард куб метр ёқилғи ўтказилади. Газни осма қувур орқали ўтказиш магистралининг хавф-хатарсиз ишлашини таъминлайди.

Термиз газ кўприги — Амударёдаги иккинчи кўприкдир. Янги ваит кўприк Амударё орқали Калиф-Душанба газ қувурини ҳам ўтказиш имконини беради. Бу қувур ўтказилгач, Совет Иттифоқига келадиган афғон гази икки баравар кўпаяди.

ЮҚОРИ СИФАТЛИ ТОЛА

● КОСОН. (Қашқадарё области). Бу ерда нигичка толали пахтани қайта ишлайдиган нхтисослаштирилган завод ишга туширилди. Бу Ўзбекистонда шу хилдаги биринчи корхонадир. Янги заводда арра дисклар ўрнига валик машиналар ўрнатилган. Пахтани бу усулда тозалаш нигичка толали пахтанинг юқори сифатини тўла сақлаб қолиш ҳамда юқори сифатли толаси узун ва пишиқ маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Завод йилига ўн минг тонна тола чиқара олади.

ШУР СУВ ДАРЕГА ОҚИЗИЛАДИ

● ҚИЗИЛҚУМНИНГ ғарбжанубида Парсанкўл каналининг 60 километрли трассасида бирин-кетин портлаш овози эшитила бошлади. «Бухаранрстрой» трестининг механизаторлари тошдек қаттиқ ерларни чуқур қазиб Амударёга шўр сув ташлаб юбориладиган зовур чиқармоқдалар. Бу каналдан секундига 50 кубметр сизот сув оқади. Канал шўр сув тўпланадиган кўлнинг сувини дарёга оқизиб юборади. Бухоро областида зовурларда, коллекторларда тўпланиб қоладиган шўр сув ана шу кўлга қуйилади.

Ҳозирги вақтда шўр сув кўли қирғоқдан тошиб кетди. Бу кўлга ҳар йили ярим миллиард кубметр сув ташланади, кўлга эса бор-йўғи уч юз миллион куб метр сув сиғади, холос. Қилинган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, 1975 йилга келиб Бухоро областида коллектор-зовур шоҳобчаларн кенгайтирилиши ва Аму-Бухоро машинада суғориш каналининг иккинчи навбати ишга туширилиши муносабати билан мавсумда кўлга 800 миллион кубметр сизот сув оқиб туша бошлайди.

Механизаторлар ана шу муддатга қадар канал қурилишини тўла-тўкис тамомлаш ва ишга туширишга аҳд қилдилар. Бунинг учун беш миллион куб метр ер-тупроқ ишларини бажариш керак бўлади. Шундан 1,5 миллион кубметри портлатиш усули билан бажарилади.

ҚУТОСЛАР КЎЧИБ КЕЛДИ

● ФАРҒОНА. Фарғона районидаги Навоий номли колхозда қўтос боқиш ишлаб чиқаришнинг янги тармоғи бўлиб қолди. Бу ерга Тожикистондан наслчилик хўжаликларидан дастлабки 150 бош наслли қўтос олиб келинди. Буларнинг ҳаммаси Помир-Олойлаги баланд тоғли яйловларда жўналтилди. Баланд тоғларда яшайдиган бу жониворлар энг арзон гўшт ва энг серқаймоқ сут беради, қўтослар йил бўйи ўтлаб юради.

Фарғона областидаги яна бешта хўжаликда қўтос боқилмоқда.

(ЎзТАГ).

Дунё овози
чет эл хабарлари

▲ АМЕРИКА РЕЗОЛЮЦИЯСИНИНГ ЛОЙИҲАСИ РАД ҚИЛИНДИ
▲ АҚШ ВА ХХР ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИНИНГ МУНОФИҚОНА РОЛИ
▲ ШАРҚИЙ ПОКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҲУРМАТ ҚИЛИНСИН.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 14 декабрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бугун ҳиндистон ярим оролидаги аҳвол масаласини яна муҳокама қила бошлаган Хавфсизлик Кенгаши Америка резолюцияси лойиҳасини рад қилди.

Ушбу лойиҳа учун кенгашнинг доимий аъзоларидан АҚШ билан ХХР делегатларигина овоз берди. Америка лойиҳаси Ҳиндистон-Покистон можаросининг туб сабабларини йўқотишга қаратилган чоралар кўрилишини кўзда тутмаганлигидан Совет Иттифоқи Америка лойиҳасига қарши овоз берди. Овоз беришда Англия билан Франция бетараф қолди. Польша делегати ҳам лойиҳага қарши чиқди.

Хавфсизлик Кенгашида бугунги овоз бериш натижалари Хитой делегацияси Шарқий Бенгалия халқи ўзининг қонуний ҳуқуқлари олиб бораётган миллий-озодлик курашига тўсқинлик қилмоқчи бўлиб, АҚШ делегацияси билан ҳамон қўшилиб хунук роль ўйнаётганлигини яна бир бор кўрсатди.

Пекин делегати Қўшма Штатлар билан биргалашиб олиб, Хавфсизлик Кенгаши мажлисига Бангла Деш вакилларини таклиф қилиш тўғрисида Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи қўйган таклифларга ҳам қарши чиқди.

Совет вакили Я. А. Малик ўз нутқида таъкидладики, Пекин раҳбарлиги Ҳиндистон ярим оролидаги вазиятнинг кескинлашувига ёрдам бериб, хунук, гиж-гижлатувчи роль ўйнади.

Хавфсизлик Кенгаши, деди Совет вакили, АҚШ ва ХХР делегациялари Шарқий Покистондаги можарони халқ хоҳишига асосланиб сиёсий йўл билан дарҳол бартараф этилишига қарши чиққанликлари муносабати билан тўғри қарор қабул қилолмади.

Я. А. Малик таъкидладики, можаро пухта бартараф этилишидан самимий манфаатдор бўлган Совет Иттифоқи Ҳиндистон билан, шунингдек Покистон билан яхши муносабатларни сақлашга ҳамиша интилиб келди ва интилмоқда. Совет ҳукумати Ҳиндистон ярим оролида тинчлик сақланишига интилаётганлигига амал қилиб, Шарқий Покистондаги сиёсий танглик кескинлашуви муносабати билан вужудга келаётган аҳволдан ташвишланаётганлигини Покистон ҳукуматига бир неча марта маълум қилди, можаро сиёсий йўл билан бартараф этилмоғи учун чоралар кўрилиши зарур, деди.

Аммо, деди Я. А. Малик, Покистон ҳукумати кўпгина мамлакатларнинг қилган мурожаатларини назар-писанд этмади. Шарқий Покистондаги ҳарбий маъмурлар эса ўравонлик ва вайронагарчилик қилавердилар. Миллион-миллион кишилар ўз уйларини ташлаб Ҳиндистонга қочишга мажбур бўлдилар. Я. А. Малик таъкидладики, Совет Иттифоқи жазолаш ва таъқиб этиш сиёсатини қатъиян қоралайди ва Шарқий Покистондаги можаро маҳаллий аҳолининг 1970 йил декабрда ўтказилган сайловда билдирган хоҳишига мувофиқ сиёсий йўл билан бартараф этилишини ёқлайди. СССР делегацияси Ҳиндистон ярим оролидаги аҳвол Хавфсизлик Кенгашида ва Бош Ассамблеяда кўрилиб чиқилаётганида мана шу позицияда турди ва уни ҳимоя қилди. Айни маҳалда Совет делегацияси ўт очиш тўхтатилишини, ганимлик ҳаракатлари тўхтатилишини, можаро сиёсий йўл билан бартараф этилишини талаб қилиб келди.

Аммо Шарқий Покистондаги можаро халқ хоҳишига асосан сиёсий йўл билан дарҳол бартараф этилишига АҚШ билан Хитой қарши чиққанликлари муносабати билан Хавфсизлик Кенгаши тўғри қарор қабул қилишга қодир бўлмай қолди. Шу икки мамлакатнинг бирдай мустамлакачилик позицияларида туриш сиёсати Хавфсизлик Кенгашини ҳам, Бош Ассамблеяни ҳам бошқа берк кўчага киритиб қўйди. Совет Иттифоқи, деб таъкидлади Я. А. Малик, проблеманинг фақат бир томони—ўт очиш тўхтатилишига тааллуқли бўлиб, можаронинг асосий сабабларини четда қолдирувчи бундай резолюциялар қабул этилишини қўллаб-қувватлай олмади. Ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги масала Шарқий Покистонда можарони сиёсий йўл билан бартараф этиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш билан чамбарчас боғланиши кераклигини назарда тутмасдан можарони йўқотиб ва ўт очишни тўхтатиб бўлмайди.

Пировардида Я. А. Малик Совет Иттифоқи Хавфсизлик Кенгаши ҳунрезлик дарҳол тўхтатилишини ҳамда Шарқий Покистондаги можаро шу ер халқининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳурмат қилиниши асосида сиёсий йўл билан бартараф этилишини кўзда тутувчи самарали чоралар қабул қилиши учун қатъий туриб изчиллик билан кураший келмоқда, деди.

Польша вакили Е. Кулага ўз нутқида айтдики, Хавфсизлик Кенгашидаги баъзи делегациялар эътиборни яна можаро сабабларига эмас, балки можаро оқибатларига қаратишга уринмоқда. Можаро сабаблари Шарқий Покистон территориясида эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Франция вакили овоз бериш важлари хусусида сўзлаб, Америка резолюция лойиҳаси проблеманинг ҳамма томонларини назарда тутмаганлиги кўрсатиб, муваффақият қозонишга асос йўқлигидан овоз беришда бетараф қолдим, деди. Ҳамма мамлакатларнинг манфаатлари назарда тутилмоғи учун янги, яқдил ва ижобий ҳаракат қилмоқ лозим, деди Франция вакили Де Ла Гор.

ҲИНДИСТОН ЯРИМ ОРОЛИДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

Шарқий фронтда ҳинд қўшинлари ва «Мукти бахини» озодлик ҳаракатининг отрядлари уч томондан Даккага ҳужум қилиб бормоқдалар, деди Ҳиндистоннинг ҳарбий вакили. Ҳинд қўшинлари дарёлардан кечиб ўтмоқдалар. Десант отрядлари Даккага мудофааси ташқи халқасини ёриб кирдилар. Ҳиндистон қуруқликдаги қўшинлари штабининг бошлиғи генерал Манекшоу Шарқий Бенгалиядаги Покистон гарнизони қўмондони генерал-майор Фармон Алига янги мактуб йўллаб, таслим бўлишни ва бекўда қон тўкишнинг олдини олишни таклиф қилди.

Равалпиндида Покистоннинг расмий вакили маълум қилдики, ҳиндлар Даккага теварагида десант ва парашютчилар туширишни давом эттирмоқдалар. Унинг сўзларига кўра, покистон қўшинлари Ҳиндистон ҳавода танҳо ҳукмронлик қилаётган авиацияси билан парашютчи десант қўшиларидан фойдаланаётганлигига қарамай, ҳинд армиясига қаттиқ қаршилик кўрсатмоқда.

Карачида чиқадиган «Морнинг ньюс» газетаси шарқий фронтдаги аҳволни баҳолаб, жумладан, бундай деб ёзади: «Шарқий Покистон қуршалиб бўлди. Ҳиндлар ҳаводан қилган ҳужумлари натижасида ҳамма аэропортлар, шу жумладан, Даккадаги аэродром ишдан чиқарилди. Ҳозирги вақтда Даккага 8 минг бошга мўлжалланган гўшт фабрикасининг биринчи навбати. 1972 йилнинг тўртинчи кварталида фойдаланишга топширилиши керак.

Бундан ташқари, бу ерда улкан ем — хашак цехи ҳам қад кўтармоқда. Бу цехнинг баландлиги 22 метр бўлади. Цех битгач ем — хашаклар пневматик усулда етказиб берилади. Бу ерда тўртта улкан қозон ўрнатилмоқда. Бу қозонда озиқ — овқат, сабзавот чиқиндилари қайта ишланади.

Янги чўчқахона қурилиши суръати қандай бормоқда? Айтиш керакки, қишлоқ қурилиши министирлигига қарашли «Облсельстрой» ишни бирмунча суст бажармоқда. Мўлжал бўйича йил охиригача тўртта чўчқахона қурилиши учун 1 миллион 550 минг сўм маблағ ажратилган эди. Лекин, ҳозиргача бу маблағнинг 785 минг сўмга яқини ўзлаштирилди. 1-механизациялашган кўчма колонна (бошлиғи Давид Львович Раненков) суръатни тезлаштириши керак. Ўйлайманки, янги йилда қурилишда бурилиш бўлади. Бунинг учун имконият мавжуд.

— Биз қурилишни мумкин қадар тезлаштириб, ўз вақтида битказилишидан гоят манфаатдормиз, — дейди совхоз директори, — янги саноат объекти ишга тушгач ишларимиз ҳам, ютуқларимиз ҳам янгича бўлади. Бирйўла 72 минг бош чўчқани бўрдоқига боқиш ва йилига уларни семиртириш ҳисобига 4500-5000 тонна гўшт етиштириш имконияти туғилади. Бундан ташқари, механизация ва автоматлаштириш жорий этиш бир центнер гўшт таннархини 35 — 40 сўмга камайтириш имкониятини беради.

Совхозда саноат ишлаб чиқариш объектларидан ташқари шаҳар типидаги янги турар — жой массиви қурилиши ҳам бошлаб юборилган. Бу иш 1974 йилнинг январигача тугалланиши керак.

Гўшт етиштиришни кўпайтириш ишига муносиб ҳисса қўшаётган «Сергели» бўрдоқичилик совхози ишчиларининг 1971 йилни янги кўрсаткичлар билан якунлаб, келгуси йилда бундан ҳам улкан ютуқларни қўлга киритишларига тилакдошмиз.

Т. ҒАНИЕВ,
Н. РИХСИЕВ.



▲ ПЕРУ. Лимадаги 7-халқаро Тинч океан ярмаркасида совет павильони катта муваффақият қозонмоқда. Кўргазмалар орасида «Луноход-1» фахрий ўринни эгаллаб турибди. Суратда: СССР павильони олдида.

Е. ЕЛЬШОВ фотоси.

Қочоқлар қайтиб келмоқдалар

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон армияси ва «Мукти бахини» отрядлари Шарқий Бенгалияда муваффақиятли силжиб боришлари натижасида Шарқий Покистон қочоқлари ўз ватанига қайтиб кела бошлади. Ассом Штати маъмурияти вакилининг Шиллонгда айтишича, Шарқий Бенгалия қочоқларидан 14 мингдан ортиқ киши Ассом ва Мегхалайя штатларидаги лагерлардан ўз ўйларига жўнаб кетди.

Ҳиндистон марказий ҳукумати шарқий штатларнинг маъмурияти билан биргаликда Шарқий Бенгалия гражданларини ўз ватанига қайтариш планини ишлаб чиқди. Ғарбий Покистон маъмурларининг тинч аҳолига қарши қилган ялпи репрессиялари натижасида ана шу гражданлар Ҳиндистонда бошпана топишга мажбур бўлган эдилар. Ана шу планга мувофиқ қочоқларни Шарқий Бенгалиянинг озод қилинган районларига тез ва уюшқоқлик билан қайтаришни таъминлаш учун зарур чораларнинг ҳаммаси кўрилади.



▲ ОЛЬСТЕРДА турган Англия қўшинлари Шимолий Ирландия полицияси билан ҳамкорликда ҳаракат қилиб, гражданлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқаётган кишилардан қонли ўч олмоқда. Суратда: инглиз армияси солдатлари намойишчилардан ўч олаётган пайт.

(ТАСС фотохроникаси).

ВЬЕТНАМ ВАТАН ФРОНТИНИНГ УЧИНЧИ СЪЕЗДИ

ХАНОЙ, 14. Вьетнам Ватан фронтининг учинчи съезди ўз ишини бошлади.

Вьетнам Ватан фронти Марказий Комитети Президиумининг раиси, Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Ток Дик Тханг съезд делегатларини табриклади. У, Вьетнам халқи Америка агрессорлари ва уларнинг шерикларн устидан тўла ғалаба қозонади ҳамда мамлакатнинг шимолида муваффақиятли равишда социализм қуради деб ишонч билдирди.

Съездда Вьетнам Ватан фронти Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Хоанг Куок Вьет «Бирдамликни мустаҳкамлайлик, Америка агрессорлари устидан қатъий ғалабага эришайлик ва муваффақиятли равишда социализм қурамиз» деган мавзуда доклад қилди.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

ХАНОЙ, 14 декабрь. (ТАСС). Ханой матбуотн Камбоджа Миллий озодлик қуролли кучларининг янги катта ғалабасини табрикламоқда. Бу кучлар 6 декабрдан 10 декабргача бўлган вақт ичида Компонгчам вилоятида Сайгон қўғирчоқ қўшинларининг зарбдор группировкасини тор-мор қилди: Сайгон солдатларидан 550 дан кўпроқ киши сафдан чиқарилди, душманнинг 14 самолети ва вертолети уриб туширилди, 70 танки ва бронемашинаси яксон қилинди.

Камбоджа ватанпарварларининг янги ғалабаси Пномпень режимининг бусиз ҳам оғир аҳволини янада кўпроқ ёмонлаштирди ва Жанубий Вьетнамда АҚШ ҳамда унинг қўғирчоқлари тактикаси яна барбод бўлганлигини билдирди, деб ёзади «Куан Дой Нян зан» газетаси. Миллий кучларнинг Компонгчам вилоятидаги муваффақиятли ҳаракатларини газета «Камбоджа ватанпарварлари жанговар ҳаракатлари ҳужумини ривожлантиришдаги янги босқич» деб баҳоламоқда.

ХОРВАТИЯ КОММУНИСТЛАР СОЮЗИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БЕЛГРАД. 14 декабрь. (ТАСС). Загребда Хорватия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади. ТАНЮГ агентлигининг хабар беришича, пленум қатнашчилари Югославия Коммунистлар союзи Президиуми 21 ва 22-мажлисларининг қарорлари, Югославия Коммунистлар союзининг раиси И. Броз Титонинг нутқида берилган йўл-йўриқлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Пленум Хорватия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг раиси қилиб Милку Планинцни сайлади. Хорватия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг секретари қилиб Иосип Врховец, Хорватия Коммунистлар союзи Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси қилиб Милан Мишкович сайландилар.

Телетайп лентасидан

● АДАН. Бу ерда Совет китоблари виставкаси очилди. Виставкани очиш маросимида Яман Халқ Демократик Республикаси ҳукуматининг министрлари ва бошқа расмий шахслар, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари иштирок этдилар.

Яман Халқ Демократик Республикаси маданият ва туризм министри вазифасини ижро этувчи Абдалла Бадиб виставкани очар туриб, коммунистик идеологияни ёйишда ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг буюк муваффақиятларини пропаганда қилишда, шунингдек Яман тарихини ёритишда совет китобларининг ролига юксак баҳо берди.

● ПХЕНЬЯН. Бу ерда СССР Министрлар Совети телевидение ва радиоэшиттириш Давлат Комитети билан Корея радиоэшиттириш Марказий Комитети ўртасида радио эшиттириш ва телевидение соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди.

Битимда кенг кўламда радио программалар айирбошлаш ва ҳар икки ташкилот ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча бошқа тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади.

● БРАТИСЛАВА. Словакия қишлоқ хўжалиги ходимлари ғўшт етиштириш йиллик планини бажардилар. Давлатга 365 минг тоннадан кўпроқ маҳсулот сотилди. Бу эса ўтган йилдагига нисбатан 17 минг тонна кўпдир. Словакия Социалистик Республикасининг қишлоқ хўжалик кооперативлари ва давлат хўжаликлари йил охирнгача давлатга пландан ташқари 20 минг тонна гўшт сотадилар.

● ПРАГА. Бу ерда коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг «Проблема мира и социализма» журналининг ишини муҳокама қилишга бағишланган навбатдаги кенгаши очилди.

Кенгаш журналнинг асосий вазифаларини кўриб чиқишга киришди.

● ВАШИНГТОН. Чет давлатларга 2,65 миллиард доллар миқдорида «ёрдам» бериш тўғрисида вакиллар палатаси қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияси маъқуллаган қонун лойиҳаси асосан ҳарбий заём берилишини кўзда тутади. Масалан, Исроилнинг ўзига шу мақсадлар учун 300 миллион доллар берилади. Маълумки, Исроил тарафдори бўлган кўпгина сенаторлар Тель-Авивга бериладиган ҳарбий ёрдам кўпайтирилишини талаб қилмоқдалар. Вакиллар палатаси маблағ ажратиш комиссиясининг раиси Ж. Мэхон қонун лойиҳасига Исроилга ҳарбий заём ажратиш тўғрисидаги модда нўшиладиган бўлса, сенат ундай лойиҳани тезроқ маъқуллайди, деб очиқ айтди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукуматининг расмий вакили АҚШ 7-флоти кемаларининг Ҳиндистон соҳилларн сари йўл олганлиги хусусида тўхталиб, унн Ҳиндистонга қилинаётган «руҳий тазйиқ» деб баҳолади.

АРЧА БОЗОРИГА МАРҲАМАТ

Ҳамма ерда янги йил байрами тараддуди бошланмоқда. Пойтахтимиз савдо ташкилотлари ҳам бу байрамнинг кўнгилли ўтиши учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Базамиз ходимлари тошкентликлар хонадонларида янги йил меҳмони — яшил арчалар бўлиши учун барвақт қайғурдилар. Улар Горький ва Киров областларига бориб арча тайёрлаб келдилар. Дастлабки вагонлар Тошкент станцияларига етиб келди.

16 декабрдан бошлаб республикамиз пойтахтида арча савдоси йўлга қўйилади. Бунинг учун Тошкентимизнинг бир неча жойида арча бозорлари ташкил қилинди. Навоий театри олдидаги, Максим Горький кўчаси, Ўзбекистон, темир йўлчилар парки- Марказий бозор, Госпиталь бозори каби аҳоли кавжум жойларда 17 та павильон очилди. База ходимлари шунингдек йирик корхона ва муассасаларда ҳам арча савдосини йўлга қўймоқдалар. Жумладан Чкалов номли завод ишчи-хизматчилари. Тошкент Давлат медицина институти профессор, ўқитувчилари ва студентлари ўз иш ва ўқиш жойларидан арча харид қилиб олишлари мумкин.

Бу йил савдо базамиз меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ўтган йилдагидан анча кўп арча тайёрладилар. Савдо павильонлари чиройли қилиб безатилди. Уларда турли катта-кичикликдаги арча нусхалари тайёрлаб қўйилди. Харидорлар ўзлари хоҳлаганларини ана шу павильонлардан харид қилиб олишлари мумкин.

Қ. ЗОКИРОВ,
Тошкентдаги Ҳамза савдо базасининг директори.



ТОШКЕНТ музика асбоблари фабрикасида кўплаб ўзбек миллий чолғу асбоблари ишлаб чиқарилмоқда. Суратда: шу фабриканинг тажрибали ишчиси М. Абдуюсупов иш устида.

И. ГЛАУБЕРЗОН ва В. СИРОТКИН фотоси.

МАМНУН БЎЛИШСА БАС...

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

Барча пахтакорлар сингари бекободлик заршунослар ҳам шонли КПСС XXIV съезди бўлиб ўтган қутлуғ йилда улкан ҳирмон кўтариб, она-Ватанга 49 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» ҳадя этдилар. Чорвачиликда, деҳқончиликнинг бошқа тармоқларида ҳам бир мунча юқори кўрсаткичларга эришилди.

Бундай ютуқларга, албатта, ўзўзидан эришилгани йўқ. Партия XXIV съезди қарорларини ўзларининг дастур амали деб билган район меҳнаткашлари ишни бошидан пухта уюштирдилар. Колхоз ва совхозларда пахтакорларнинг унумли меҳнат қилишлари, йиғим-теримни намунали ташкил этиш юзасидан қатор тадбирлар кўрилди.

Район матлубот жамияти ходимлари ҳам қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари эришган ютуқда ўзларининг ҳам ҳиссаси борлиги билан фахрланмоқдалар.

— Биз, — дейди матлубот жамияти правлениесининг раиси Зиёд Қориев, — район партия, совет, комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари ходимлари билан ҳамкорликда қатор тадбирларни амалга оширдик. Савдо ходимлари ҳамма ерда, айниқса, бевосита пахтазорда хизмат кўрсатиш усулларининг турли-туман формаларидан самарали фойдаландилар. Биринчи навбатда, аҳолининг талаби пухта ўрганилиб, таъминот ишлари шу асосда йўлга қўйилди. Колхоз ва совхозларда кўчма савдо тармоқлари ташкил этилди. Дала шийпонларида қўшимча сотувчисиз 20 та дўкон ишлаб турди. «Оқ олтин» ишқодкорларининг кундалик эҳтиёжлари учун ниманки зарур бўлса, барчасини етказиб беришга ҳаракат қилинди.

Йиғим-теримда ҳусусан, машина теримида пешқадамлик қилган теримчилар, механик-ҳайдовчилар, илғор бригада ва звеноларни тақдирлаш борасида партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари билан бамаслаҳат келишилиб, мукофотлар фонди ташкил этилди.

Мавсумда пахтазорларда меҳнат қилган район аҳолисига, мададкор хашарчиларга жами 74 минг сўмлик шукофот берилди. Мукофотлар орасида 4—5 метрлик атлас, чойнак-пиёла, духоба, шунингдек, ҳар бирининг нархи 27 сўмдан 47 сўмгача бўлган сервис ва бошқа буюмлар бор эди.

Савдо ишини намунали йўлга қўйиш ва товар оборотини планларини ортиғи билан бажаришда Ленин қишлоқ матлубот жамияти, 1-«Далварзин», «Чаноқ» ишчилар кооперативи комитетлари алоҳида хизмат кўрсатдилар. Нуралиев, Фаёзова сингари ўнлаб савдо ходимлари район жамияти правлениесининг ташаккурини олдилар.

Қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, пахтачилик мавсумий иш эмас. Район матлубот жамияти шу кунларда ҳам пахтакорлар, чорвадорлар, умуман қишлоқ аҳли учун маданий савдо хизмати кўрсатишни давом эттирмоқда. Улар харидорларнинг талаб ва истакларини ўрганиб, хизмат кўрсатишнинг янги усулларидан фойдаланмоқдалар.

Ҳозир чорвадорлар учун масъулиятли дамлар бошланди. Ҳамма ерда чорва қишловини намунали ўтказиш учун кураш қизиб кетди. Бу ишга матлубот жамияти ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Чорвадорларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур бўлган буюмлар жойларга етказиб берилмоқда. Илғор Беруний, Янгиариқ, Хива район савдо ходимларининг тажрибаларига суяниб, ҳар бир магазинда «Мулоҳаза ва истаклар дафтари» ташкил этилди. Қишлоқ ҳамда ишчи посёлкалари жамиятлари қошида жамоатчилик асосида махсус комиссиялар ишлаб турибди. Улар тавсиясига кўра район савдо тармоқларида аҳоли кўп талаб қиладиган саноат маҳсулотларини кўшни область, қолаверса, бошқа республикалардан келтирмоқдалар.

М. МУСАЕВ.

Ё ш ижрочилар

Пойтахтимизнинг Ленин районида ишлаб турган маданият уйлари хизматидан аҳоли мамнун. Айниқса, «Ёшлик» деб аталган маданият уйи фаолияти диққатга сазовор.

Бу ерда ҳар куни ҳаёт қайнайди. Ёш талантлар ўзлари ёқтирган студия ёки тўгаракларда қатнашиб, санъат «сир»ларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Шуниси қувончлики, тўгарак машғулотларига ижодкор мутахассислар бошчилик қилмоқда. Тошкент Давлат консерваториясининг доценти Э. Мелик-Карамян раҳбар бўлган болалар хори репертуари бахтиёр ёшликни мадҳ этувчи янги қўшиқлар ҳисобига бойиди.

Маданият уйида ташкил топган театр студияси ҳам танилиб қолди. Тошкент театр ва рассомчилик институтининг ўқитувчиси М. Рубинштейн ҳаваскорлар билан ишни яхши йўлга қўйиб бой тажриба тўплади.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар праграммаси.

Рус тилида: 18.00 — Болалар учун мультфильм. 18.20 — «Ахборот» информацион программаси. 18.35 — Рангли телевидение. «Шеърият муҳлисларига». «Рубоилар».

Ўзбек тилида: 19.00 — «Нознеъмат бунёдкори» программаси. 20.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.30 — «Ахборот» информацион программаси. 20.50 — «Ассалом, театр», Сатор Ярашев. 22.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00 — «Спортлото» реклама. 20.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

22.00 — «Аёллар салтанати» (бадиий фильм, ўзбек тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.00 — «Ер нинг тортилиш қонуни» (телевизион фильм). 19.35 — Врач маслаҳати.

Рус тилида: 20.05 — «Муслима» (телевизион фильм). 20.50 — «Эльмира Жерздева ва Иван Суржиков куйлайди». 21.25 — «Қайтишга йўл йўқ» (телевизион бадиий фильм, 2 серия).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/XII да Русалка, 17/XII да Дилором, 18/XII да Флория Тоска.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/XII да Уғрланган умр, 17/XII да Олтин девор, 18/XII да Аяжонларим (билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/XII да Фарғона тонг отгунча, 17/XII да Ҳалима, 18/XII да Лақма (билетлар сотилган).

Тошкент Давлат цирки да — СОВЕТ ЦИРК УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

КИНО

Дайди (2 серия) — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ НОМЛИ, «МОСКВА», (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК», (кундуз соат 12, 1, 4, 5, ва кеч соат 8 да).

Казимир — «ҲАМЗА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз соат 3, кеч соат 7, 9 да).

Жиноят қидирув инспектори (тоқ соатларда), Офицерлар (жуфт соатларда) — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Лолалар гуллаганда — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Ҳасан кал — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

ХОМТАЛАШ...

ФЕЛЬЕТОН-ПЬЕСА

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Кунафин Андрей Григорьевич, республикада хизмат кўрсатган тренер, Чирчиқ шаҳридаги ихтисослашган ёшлар спорт гимнастика мактабининг директори, 41 ёшда, паст бўйли, оқ-сариққа мойил тусли одам.

Фиамский Виталий Борисович, шу мактабнинг илмий бўлим мудири ўрта бўйли, 45 ёшда, мускулдор, бошида туки йўқ, силлиқ, қизғиш-сариқ тусга мойил одам.

Костров Олег Ильич, хўжалик бўлими мудири, 46 ёшда, гўштдор, гидугимдан келган, камгап.

Воқеа яқинда юқоридаги мактабда бўлиб ўтади.

Парда очилади

Фиамский ўз хонасида нималарнидир ёзиб ўтирибди. У аҳён-аҳён эшик томонга қараб қўяди. Телефон жиринглайди.

Фиамский: (трубкани олиб) Алло! Ҳа, эшитаман. Олег, пулни олдингми? (трубкадан дўриллаб овоз эшитилади).

Костров: Олдим.

Фиамский: Бешкалми?

Костров: Ҳа.

Фиамский: (хурсанд) Нега ҳаялладинг, валаки-саланг?

Костров: банкачилик, бироз ушланиб қолдим.

Фиамский: Тез кел, кўзим тўрт бўлиб кетди.

Костров: Ҳозир бораман.

Фиамский трубкани қўйиб, ўрнидан туради. Кафтларини ишқаб хонада юра бошлайди.

Фиамский: (ўз-ўзига) Кафтим бежиз қичишмаяпти. Мана, ҳадемай беш-олти юз сўм пул чўнтакка қуртдек тушиб турибди. Давлатимиз спорт масаласига келганда маблағни сира аямайди, ҳотам. Шунақа пайтда ўмариб қолиш керак. Ҳалиям, бўш келаётганимиз йўқ. Оламда чор қирра хирпа бўлсанг, ишинг ҳамиша беш. Халта кўчага кириб қолсанг, ҳам тўйнук очиб чиқиб кетаверасан. Мактабнинг қанчадан-қанча пулини совуряпмиз-у, бироз нима қиляпсан, демайди. Қойил! Шаҳар халқ маорифи бўлимидаги ревизиядан қиё ҳам боқишмайди. Мудири Абдурасул Ғуломовнинг анқовлигидан фойдаланиб, Андрей Григорьевич ўз билганини қилади. Шу ҳам маъқул: бизга ўхшаганларга қўл келади. Буёғини олганда, директорнинг тизгини қўлимда. Менга қарши гинг деёлмайди. Костров ўзимники, тилимиз бир. Пул деб огзига қўрғошин эритиб қўйсам ҳам гиқ этмайди. Вольфман, Гусаковский каби учар тренерлар Тошкентда бир неча жойда ишлашиб, яна биздан ўтмаган дарс соатларига ҳақ олишади. Демак, уларнинг ҳам жилови қўлимда. Шолининг орқасидан қурмак ҳам сув ичади да. (Костров киради). О, азизим, келдингми? Қани, ведомостга қўл қўйиб чиқ.

Костров: Тегирмон ҳам навбати билан-да! Бу гал сен қўл қўй.

Фиамский: Хўп бўлади, пул бўлади-ю қўл қўймай, эсимни ебманми? Бизга пул бўлсин, нима дединг? Ҳамма нарса пулга қараб йўргалди. (Фиамский ведомостдаги кишилар ўрнига қўл қўя бошлайди). Мана бу Гусаковскийнинг қўли, бунисн Сумарокованики, хўш. Исяновники, Вольфман, бунисн Галимов, Цветков... Қалай бир-бирига ўхшамайдими, Олег? Ўзим ҳам бировларнинг имзосини ясашни қийворганман-да. Мана, ошнам (ведомостни узатади) қани, пулни чўз энди.

Костров: (бир бойлам пулни бериб). Улушимни тузукроқ қил!

Фиамский: Ма, ол, юз эллик сўлкавой!

Костров: (тумшайиб) Оз-ку!

Фиамский: (жиддий) Ғингшимай унингни ўчир, хизматингга яраша-да!

Костров: (қовоғи осилиб) Нуқул ўзинг шўрванинг сардагини сузиб олаверасанми?

Фиамский: Оҳанжамани йиғиштир! Текин пулни индамай олаверсангчи! Бўлмаса... Ҳа, майли. Ҳафа бўлма, кейинги ойликда имзони сен қўясан, ўшанда мурувват қиламан. Бўлдими?

Костров: (тўнг) майли.

Фиамский: (асабий) Сен билан ишқилиб ўлиб бўпти, дўстим!

Костров: Виталий Борисович, ўтган гал тренер Коткованинг ҳомиладорлиги учун декрет отпускасига орқа-воротдан пул ёзиб олганинг. Яна Сумаракованикини ҳам олибсан. Ўқитувчи Боргова шу кунларда оғир оёқли. Унинг декрет отпуска пулини мен оламан. У ҳам анавиларга ўхшаб декретини асосий иш жойидан олаверади.

Фиамский: Оббо, мингаймас-ей, сиркани сиқиб, сувини ичадиган бўлиб қопсан. Ҳали, аёлларни зимдан кузатиб юрибман, дегин.

Костров: Хи-хи-хи. (Кунафин киради).

Кунафин: Кайфиятларинг чоғ кўринади, мулла жирнинг чўнтакка тушган кунми дейман.

Фиамский: Бўлмасамчи! Сен омон бўлсанг, маориф мудири Абдурасул Ғуломов гўллигича тураверса, бас, мактаб пулини учовлон ўмараверамиз. Кайфимизни чоқ қиладиган (чўнтагига уриб) ана шу пулгина-да.

Костров: Менга рухсат (чиқади).

Кунафин: (бармоқларини ўйнаб) менинг тегишим...

Фиамский: (тундланиб) Бу гал бермайман, пул ўзимга сувдек зарур бўлиб турибди.

Кунафин: Ҳазил қилма.

Фиамский: Ҳазили йўқ.

Кунафин: мен обиҳудойига ишлаяпманми?

Фиамский: (юзини ўгириб миғиллайди) Обиҳудойигамиш! Ҳам ҳўрдани, ҳам бурдани уриб... гапни қара!

Кунафин: Бу нима деганинг, Виталий.

Фиамский: Ўзингни гўлликка солма, Ҳа, деб беш панжангни огзингга тиқаверма.

Кунафин: (жаҳли чиқиб) Бу нима деганинг?!

Фиамский: (шаҳдам ўгирилиб) Бу деганим шуки, бирламчи, Тошкентдаги республика спорт мактабида ишлаб ҳақ оласан, бу ердан ҳам. Лекин, журналда номлари ёзилган ўқувчиларингнинг кўпи аллақачон мактабни битириб кетишган. Шундай қилиб давлатнинг минг сўмга яқин пулини жиғилдонингдан ўтказиб юбординг.

Кунафин: (бақириб) Бас қил! мен билан ўчакишаверма тубан одам!

Фиамский: Қулоқ қоқиб буёғини эшит, қилмишларингни ойнада ўз аксингдай кўрсатай! Кўринишдан бўш-баёвга ўхшайсан, мураломлада етим ҳақидан ҳазар қиладиган қилиб кўрсатасан. Аслида ичингдан пишган, пул деган жойда чўғни пуфламай ютасан.

Кунафин: (асабий) Сен билан бошқача гаплашаман, ким эканлигимни кўрсатиб қўяман.

Фиамский: Мен жарга тушсам, сен жаҳаннам қаърига кетасан!

Кунафин: Менга дўқ-пўписа қилишдан олдин ўзингни ўйла! Гусаковский, Сумаракова, Вольфман, Цветков, Мусеева, Галимов сингари тренерларга қўшимча соатлар ёзиб, сохта ведомостлар тузиб, улар ўрнига сен, Костров қўл қўйиб, олти мингдан зиёд пулни бўлашиб олганларингни билмайманми?!

Фиамский: (бепарво) Тўғри, бу сен билганларинг, холос. Аммо сен ҳам егансан-ку, тониб кўр-чи.

Кунафин: Исбот қилолмайсан. Бировларнинг ўрнига қалбаки қўл қўйиб пулини олганим йўқ.

Фиамский: Борди-ю, хашагимиз очилса, директорсан, биринчи навбатда сен жавоб берасан. Бизларни жиноят қилишга аввало сен йўл қўйгансан, тушундингми? Менга шаъма қилаётган тренерларни ишга ким олган?! Уларнинг кимлигини билардинг. Вольфманни олайлик. Унинг асосий иш жойи Тошкентдаги спорт мактабларида. Уёрда иккн ставка дарси бор, бизда юз соат. Бир йил мобайнида минг соатдан зиёд дарс соатини қўлдирди, лекин ҳақ тўладик. Тошкент Давлат физкультура институтининг студенти Галимовни ойига 150 соат дарс билан ишга олган ким? Менми, сенми? Лекин бир йил ичида бирор марта Чирчиққа қадам ранжида қилганини биласанми? У Совет Армиясига кетганидан кейин ҳам маошини олишни тўхтатмадик. Исяновнинг ҳам Тошкентдаги спорт мактабларида уч ставка дарс соати борлигини била туриб, бу ерда ҳам бир ставка дарс билан таъминладик. Кунига 20—25 иш соатига тўғри келади! Шу оқлиқ сигадиган ишми? Гусаковский, Сумаракова ва бошқалар ҳам шунақа учар тренерлар. Тошкентда яшашди, иш жойлари ҳам ўша ерда. Маош бериладиган кунлари ҳозиру нозир бўлишади. Юлдузни бенаврон урадиган шахсларни қаердан топгансан, билмайман. Эҳтимол, улар билан тилинг бирдир. Эҳтимол, сенга 25 таликни кўк қарғанинг боласидек учирма қилиб туришар. Бўлмаса... булар жиноят эмасми?!

Кунафин: — Нима демоқчисан?!

Фиамский: Кўзбўямачилик, қалбликка йўл қўйган ўзингсан. Шуни бўркингда билки, бир-икки йил ичида давлатнинг 20 минг сўмга яқин пулини совурилишига йўл қўйганлигинг очилиб қолса, имоним комилки, учиб кетасан. Ўша сенинг қармоғингга илиниб, суриштирмай ишга олаверган Абдурасул Ғуломовга ҳам қаттиқ гап тегади, обрўинг бир пул бўлади, унвондан ҳам, ишдан ҳам мусово бўласан.

Кунафин: (кўрқувда) Қўй дўстим, жўжа-хўроз бўлиб уришишимиздан не фойда. Бу гаплар шу хонадан ташқарига чиқмасин. Келишайлик.

Фиамский: (жилмайиб) Иш бундоқ бўлибди. Қўлингни бер (қўл беришади) Шерикли ошни ит ичмайди, дейишади. Мен билан ишинг бўлмасин, келишдикми?

Кунафин: (ўйланиб) Майли, (хонага ранги қув ўчган ҳолда Костров ҳаллослаб киради).

Костров: нафаси бўғзига тиқилиб... Рев-рев...

Кунафин: (ҳайрон) Жинни бўлдими бу, ревинг нимаси?!

Костров: (дўқ уриб) Ўзингни бос, нима гап?

Костров: Рев-рев-реви-изня босди. (деворга бориб суянади).

Фиамский: Ревизия! ким, қаердан?

Костров: Облкрудан. Каско!

Кунафин

Фиамский

Костров

— Каско!, — деб қичқириш-ди учовлан ва бир-бирларини ушлашган ҳолда телбаларча эсанкираб қолишади.

Парда.

Малик ИБРОҲИМОВ.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

16 ДЕКАБРЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

МУЗИКА, АШУЛА ВА РАҚС КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: МЕҲРИ АБДУЛЛАЕВА, МАҲМУДЖОН МУҲАМЕДОВ;

Солистлар: Неъматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ, Алижон ҲАСАНОВ, Дадахон ҲАСАНОВ, Тельман ҲАСАНОВ, Толибжон МУЛЛАЖОНОВ, Одилжон ИМИНОВ, Эркин ДАВЛАТОВ, Карима УЗОҚОВА, Азим АЗИЗОВ, Азиза ТУЛАГАНОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МАКТАБ УҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА КАТТА ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ 31 ДЕКАБРДАН 10 ЯНВАРГАЧА

„ЦИРКДА АРЧА“

Томошалар кундуз соат 12, 3 ва 5 яримда бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ҳар куни кундуз соат 11 дан кеч 6 гача ишлайди.

КОЛЛЕКТИВ БУЛИБ КУРИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

18, 19 ДЕКАБРЬ КУНДУЗ СОАТ 5 ВА КЕЧ СОАТ 8 ДА,

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН АРТИСТ ВА АТОҚЛИ САНЪАТКОРЛАР ИШТИРОКИДА

К А Т Т А К О Н Ц Е Р Т

ҚАТНАШАДИЛАР:

Олмахон ХАИТОВА, Жуманазар БЕКЖОНОВ, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Тўхта РИСМЕТОВА, Камтар ОҒАБОЕВ, Фахриддин УМАРОВ, Ғулом ТОЖИ-АЪЛОЕВ ва бошқалар.

Билетлар кундуз соат 2 дан «Баҳор» концерт зали кассасида сотилмоқда.

Спорт

Э. САЪДИЙНИНГ МЕДАЛИ

Тошкентлик спорт мастери Эльвира Саъдий Германия Федератив Республикасида келгуси йил бўладиган олимпиада мусобақаларига тайёрланмоқда. У СССР аёллар терма командаси составида Франция гимнастикачилари билан мусобақалашди. Орлеан, Вернон, Сент-Этьен ва Лион шаҳарларида халқаро учрашувлар бўлди. Кўпкурашда ҳамшаҳримиз фахрли учинчи ўринни эгаллади. Фақат совет спортчилари Л. Бурда ва Т. Шчегольковаларгина ундан олдинга ўтишди. Саъдий 73,95 балл билан бронза медалига сазовор бўлди.

ДАЪВОГАРЛАР МАЪЛУМ

Кисловодск шаҳрида жаҳон чемпионлигига даъвогарлар Алла Кушнир билан Нана Александрия ўртасидаги шахмат матчи 6,5:2,5 ҳисобида Кушнирнинг галабаси билан тугади. Москвалик халқаро мастер Кушнир келгуси йил баҳорида жаҳон чемпиони Нона Гаприндашвили билан матч ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди. Илгари ҳам бу икки аёл шахматчи икки марта беллашган. Гаприндашвили икки сафар ҳам 8,5:4,5 ҳисобида ғолиб келган эди.

СЎНГГИ ЎЙИН ДУРАНГ

СССР клублари терма командаси футболчилари Жанубий Америка бўйлаб сафарни тугатдилар. Улар сўнгги ўйинни Эквадорда мамлакат чемпиони «Барселона» командаси билан ўтказдилар, ҳисоб 1:1. Тўпни совет командасидан Б. Копейкин киритди.

ГЛАВПОЧТАМТ-КИНОЛЕНТАДА

● МОСКВА кинематографчилари СССР алоқа министрлигининг буюртмасига мувофиқ Тошкент Главпочтамтн тўғрисида ҳужжатли фильм олишди. Яқин орада Минскда почта ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши очилади. Бу ҳужжатли фильм мамлакатда газета-журналларни, хат-хабарларни механизация воситасида етказиб берадиган яккаю-ягона, Ўзбекистон пойтахтида ишлаб турган цех тўғрисида кенгаш иштирокчиларига хикоя қилиб беради.

...Улкан залда транспортёр лентасида зангори контейнерлар бирин-кетин силжиб бормоқда. Бу контейнерларнинг ҳар биттасида уйга кираверишдаги квартираларнинг сонига қараб секцияларга бўлинган 56 та кассета бор. Почтанн кассеталарга қараб тақсимлашда сортировщикларга ярим автоматлар ёрдам беради. Программа асосида ишлайдиган қурилма ҳар бир обуначига нима тақсимланишини эсда сақлайди. Бунда хат-хабар, газета, журналларни ажратишда ҳар қандай ноаниқликнинг юз беришига йўл қўйилмайди.

Тўлдирилган контейнерлар автомашиналарда адрес эгаларига жўнатилади.

Тошкентда хозирнинг ўзидаёқ беш мингдан ортиқроқ квартирага шундай усул билан хизмат кўрсатилмоқда.

Редактор ўринбосари Ф. УСМОНОВА

Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Р. 19202. ИНДЕКС 64697. А—1884.